

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Ўрмонов Рустамжон Таввакалжон ўғли

*Ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича мустақил тадқиқотчи,
электрон почта манзили: urmonovrustamjon84@gmail.com*

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси электрон тўлов тизимлари сегментининг жорий ҳолати ва имкониятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу йўналишдаги жиноятчиликнинг ривожланиш тенденциялари ҳамда уларга қарши кураш бўйича давлат сиёсатининг бугунги ҳолати ёритилган.

Калит сўзлар: Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари, тўлов ташкилотлари, масофавий банк хизматлари, кибермакон, кибержиноятчи, анонимлик, антифрод тизимлари.

АНАЛИЗ НАРУШЕНИЙ В ЭЛЕКТРОННЫХ ПЛАТЕЖНЫХ СИСТЕМАХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И СИТУАЦИЯ ПО БОРЬБЕ С НИМИ

Аннотация

В данной статье анализируется современное состояние и возможности сегмента электронных платежных систем Республики Узбекистан. Также освещены тенденции развития преступности в этом направлении и современное состояние государственной политики по борьбе с ней.

Ключевые слова: Операторы платежных систем, операторы систем электронных денег, платежные организации, дистанционное банковское обслуживание, киберпространство, киберпреступник, анонимность, системы борьбы с мошенничеством.

ANALYSIS OF VIOLATIONS IN THE ELECTRONIC PAYMENT SYSTEMS OF REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE SITUATION OF COMBATING THEM

Abstract

This article analyzes the current state and opportunities of the segment of electronic payment systems of the Republic of Uzbekistan. Also, trends in the development of crime in this direction and the current state of state policy to fight against them are highlighted.

Keywords: Operators of payment systems, operators of electronic money systems, payment organizations, remote banking services, cyberspace, cybercriminal, anonymity, anti-fraud systems.

Сўнги вақтларда глобал миқёсда бўлганидек, Ўзбекистон Республикасида ҳам рақамлаштириш жараёнларининг жадаллашувини кузатиш мумкин. Жамиятнинг барча соҳаларида ахборот коммуникация технологиялари воситаларининг қўлланилиши аҳолининг интернет хизматларидан фойдаланиш кўникмалари интенсив шаклланишига олиб келмоқда. Хусусан, банк хизматларининг рақамлашуви ҳамда онлайн-банкнинг, тўлов тизимлари, айниқса мобил иловалардан фойдаланган ҳолда банк ҳисоб рақамларини бошқариш каби тушунчаларнинг оммалашуви ушбу йўналишнинг бутунлай бошқача қиёфаси шаклланишига сабаб бўлди. Ўзбекистон Республикасида банк тизимини рақамли трансформациялаш жараёнлари 2020 йилнинг 12 майида қабул қилинган “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги 5992-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида амалга оширилмоқда.


Шунингдек, 2018 йилнинг 19 сентябрида қабул қилинган “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 3945-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилган 3266 рўйхат рақамли “Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг қарори каби қонуности ҳужжатлар асосида электрон тўлов тизимларидаги жараёнларни тартибга солиш такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2023 йил якунлари бўйича ҳисобот материалларида маълум қилинишича, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 46 миллиондан ортиқ банк пластик карталари мавжуд ҳамда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи субъектлар сони 44 миллиондан ошган (1 ва 2-расмларда батафсил)¹.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳозирги кунда мамлакатда рўйхатдан ўтган “Uzcard”, “Humo” ва “United fintech” номли учта тўлов тизими, 49 та тўлов ташкилотлари ҳамда 13 та электрон пуллар тизимлари фаолият юритаётганлиги тўғрисида маълумот берилган².


¹ Марказий Банк статистик бюллетени. 2024 йил, 9 февраль. url:<https://cbu.uz/upload/medialibrary/5c4/iaelrlqezul62kxg0yjobrsu0h7g3g2t/MB-Statistik-byulleteni--2023-yil.pdf>

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Тўлов тизимлари операторларининг реестри url:https://cbu.uz/upload/medialibrary/710/Tolov_tizimi_operatorlari_Reestri_1.xlsx



1-расм. Банк пластик карталари сонининг ўсиш динамикаси

Масофавий банк хизматлари фойдаланувчилари сонининг ортиши ҳамда сўнгги 6 йилда бў кўрсаткич сезиларли даражага етгани ушбу йўналишнинг ривожланиши банк миждлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланаётганлигини кўрсатади³.



2-расм. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг динамикаси

Шунингдек, ҳисоботларда 2023 йил давомида тўлов тизимларида амалга оширилган картадан-картага пул (P2P) ўтказмалари миқдори 224,3 трлн сўмни ташкил этганлиги айтилган. Бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 80,8 трлн сўмга ёки 56 фоизга кўп ҳисобланади⁴. Агар тўлов тизимлари нисбатида солиштирилса, ушбу пул ўтказмаларининг 65,7 фоизи “Uzcard” ва 34,3 фоизи “Humo” тўлов тизими ҳиссасига тўғри келади. 2022 йилда эса тўлов тизимларининг улуши мос


³ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. Молия тизимини рақамли технологиялар ёрдамида трансформация қилиш: муаммолар ва ечимлар мавзусида халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами. 56-60 бет. 2023 йил 28 ноябрь. Ўзбекистонда масофавий банк хизматлари: муаммо ва ечимлари. А.Д.Исаев. url:[https://bfa.uz/files/Konferensiyalar/inter_konference_28.11.2023%20\(2\).pdf](https://bfa.uz/files/Konferensiyalar/inter_konference_28.11.2023%20(2).pdf)

⁴ 2023 йилда P2P ўтказмалари ҳажми 56 фоизга ошди. url:<https://bankers.uz/news/1369>

равишда 68,3 фоиз ва 31,7 фоиз бўлганлигини кўриш мумкин⁵.

Масофавий банк хизматларидан фойдаланишда банклар бўйича тақсимот натижалари давлатга тегишли банклар билан бир қаторда хусусий банкларнинг ҳам ҳиссаси сезиларли эканлигини кўрсатмоқда (3-расм).

Ўзбекистонда электрон тўлов тизимлари имкониятларидан фойдаланиш ҳолатини юқоридаги маълумотлар асосида тасаввур қилинса, ушбу тизим элементлари сони тобора ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида тизимнинг нормал фаолияти имкониятларидан ноқонуний мақсадларда ҳам фойдаланиш эҳтимолини инкор этмайди. Яъни, масофавий банк хизматлари ёки электрон тўлов тизимлари барча фойдаланувчиларига (шу жумладан жинойтчиларга) қулайлик ҳамда тезкорликни таъминлаб беради.



3-расм. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар сонининг банклар бўйича тақсимоти⁶.

Шу ўринда кибермаконда, тўғрироғи кибермаконнинг рақамли пул ўтказмалари сегментида юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни ўрганиш ҳамда уларга қарши чора-тадбирлар тизимини шакллантириш зарурати туғилади. Ушбу таҳдидларнинг табиати ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишда кибермаконнинг имкониятларини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Яъни, нормал фойдаланувчи учун қулайлик манбаи бўлган кибермакон, кибержинойтчилар учун ҳам бирдек ўз имкониятларини тақдим этади. Ушбу

⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Тўлов тизимлари фаолиятига доир қисқа таҳлилий маълумот. url:<https://cbu.uz/upload/iblock/0f6/i2zrrcvaj29iovn16iea064jmgv2ry9k/Tolov-tizimlari-faoliyatiga-oid-tahliliy-raqamlar.pdf>


⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони бўйича Марказий банк маълумоти. 2024 йил 1 январь ҳолати. url:https://cbu.uz/upload/medialibrary/87b/sohml02081bpys778t4uhgdzaciyl1py/DIST-BANK_CUST-01.01.2024.xlsx

мухитда айникса, тезкорлик, анонимлик каби устунликлар жиноятчилар томонида бўлади. Ушбу мулоҳазаларни ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва бошқа ижтимоий-медиа воситаларида муҳокамаларга сабаб бўлаётган хабарлар орқали тасдиқлаш мумкин. Шу сабабли ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар давлат раҳбарияти томонидан ҳам эътироф этиб келинмоқда. Хусусан, 2023 йилнинг 20 декабр куни IT соҳасини ривожлантириш ва давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг таъкидлашича, 2023 йилнинг дастлабки 11 ойида 5,5 мингта кибержиноят содир этилган бўлиб, шулардан 70 фоизи банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик ва ўғрилик жиноятлари ҳисобланади⁷.

Шунингдек, давлат раҳбари томонидан мамлакатдаги тўлов тизимларининг ҳаммаси ҳам киберхавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги айтилган. Ушбу масалаларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилатганлигига қарамасдан бир қатор муаммолар ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг расмий Telegram каналида маълумот берилишича, сўнгги йилларда Ички ишлар органларига банк пластик карталаридаги маблағлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар бўйича мурожаатлар сони ортиб, 2023 йилнинг дастлабки 9 ойида бу турдаги аризалар сони 8734 тага етган.

Ушбу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши ижтимоий муҳандислик асосида, одамларни алдаш йўли билан амалга оширилувчи фирибгарлик жинояти сифатида намоён бўлмоқда. Аҳолини бу таҳдидлардан хабардор қилиш бўйича Ички ишлар органлари томонидан 2023 йилнинг дастлабки 9 ойида Тошкент шаҳрида 625 минг кишини қамраб олган 14421 та тарғибот тадбирлари ўтказилган бўлишига қарамасдан, фуқароларнинг алданиб қолиш ҳолатлари ортиб бормоқда.



4-расм. Маблағларнинг ноқонуний йўл билан қўлга киритилиши ҳамда

⁷ Президент Шавкат Мирзиёев раислигида IT инфратузилмасини яхшилаш, соҳа ва тармоқларни рақамлаштириш юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. url:https://uza.uz/uz/posts/otgan-11-oyda-55-mingta-kiberzhinoyat-sodir-etilgan-shundan-70-foizi-bank-kartalari-bilan-bogliq-firibgarlik-va-ogirlik-zhinoyatlari-hisoblanadi_550181

уларнинг ундирилиши бўйича маълумотлар

Бундан ташқари ўтган йил давомида карталардан ноқонуний ўзлаштирилган маблағлар миқдори 286 миллиард сўмдан ошган. Ушбу кўрсаткич 2021 йилда 6 миллиард сўмни, 2022 йилда эса 80 миллиард сўмни ташкил қилган.

Молиявий маблағларнинг жабрланувчилар фойдасига ундирилиши бўйича ҳам салбий тенденциялар кузатилмоқда. Хусусан, ноқонуний йўл билан қўлга киритилган маблағларнинг 2021 йилда 33,3 фоизи, 2022 йилда 11,25 фоизи ҳамда 2023 йилнинг дастлабки 9 ойида 4,18 фоизи ундирилишига эришилган (4-расм)⁸.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, дунё бўйлаб ҳар йили 500 млндан ортиқ киберхужумлар уюштирилади. Ривожланган давлатларда жиноятларнинг 60-65 фоизи киберхужумлар орқали содир этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам 2021-2023 йилларда бу турдаги жиноятлар сони 8,3 бараварга кўпайиб, умумий жиноятчиликнинг қарийб 5 фоизига етган.

Бундан ташқари, TAD Industries техник директорининг маълумот беришича, Тошкент шаҳрининг ўзида 2021 йилда 106 та кибержиноят қайд этилган бўлса, 2022 йилда бундай жиноятлар 2081 тага, 2023 йилда эса 4332 тага кўпайган. 2023 йилда ушбу кибержиноятларнинг асосий қисми, яъни 2747 таси банк карталаридан пул ўғирлаш жиноятларига тўғри келади.

Банк ҳисоб рақамларидаги маблағларни фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш йўналишидаги жиноятларнинг турли шаклларда содир этилаётганлиги ҳамда ушбу усулларнинг кундан-кунга ривожланиб бораётганлиги кузатилган. Ички ишлар вазирлиги Киберхавфсизлик марказининг маълумотларига кўра⁹, ҳозирги кунда содир этилаётган кибержиноятларни қуйидагича тақсимлаш мумкин (5-расм):

- моддий ёрдам, онлайн кредит, ютукли ўйин ғолиби каби алдовлар билан юборилган сохта ҳавола орқали (Фишинг) банк карта махфий коддини қўлга киритиш йўли билан (34 фоизи);

- олдиндан тўловларни амалга оширишга эришиб, пулларни қайтармасдан ва келишувни бажармасдан жабрланувчи маблағини қўлга киритиш йўли билан (22 фоизи);

- телефон қўнғироқлари давомида (Вишинг) ўзини тўлов компанияси (Click ва бошқалар) ёки банк хавфсизлик хизмати ходими деб таништириб, карта рақами ва махфий коддини қўлга киритиш орқали (17 фоизи);

- онлайн савдо платформалари орқали карта рақами ва коднинг ошкорлаштирилиши натижасида (14 фоизи);


- сохта онлайн молиявий биржалар орқали (Binance ва бошқалар) содир

⁸ Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг расмий Telegram канали. “Toshkent shahar IIВВ Axborot texnologiyalari sohasida jinoyatchilikka qarshi kurashish boshqarmasi faoliyati haqida” номли видеоматериал. 2023 йил 17 ноябрь. url:<https://t.me/iibbuz/29126>

⁹ Тошкентда кибержиноятлар сони 2 йил ичида 40 баробарга ошди. url: <https://kun.uz/kr/98483029>

этилгани аниқланган (9 фоизи);

- бошқа усуллардан фойдаланиб содир этилган жиноятлар (4 фоиз).



5-расм. Банк ҳисоб рақамларидаги кибержиноятларнинг содир этиш усуллари бўйича тақсимланиши

Юқорида келтирилган салбий тенденцияларнинг сақланиб қолиши ва ривожланиши Ўзбекистон Республикасида рақамлаштириш жараёнларининг самарали боришига тўсқинлик қилади. 2023 йилнинг 30 ноябридаги ПҚ-381-сонли “Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президент қарорида ушбу соҳадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, уларни амалга ошириш учун электрон тўлов тизимларидаги жиноятларга қарши кураш механизми самарадорлигига салбий таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиётининг рақамли сектори кенгайиб, унинг асосий ўсиш омиллари ҳисобланган электрон тижорат платформалари, рақамли сервислар ва уларда амалга ошириладиган тўловларни сифатли ва хавфсиз қайта ишлаш билан боғлиқ молиявий технологиялар шиддат билан ривожланиб бораётганлиги айtilган. Шу билан бирга, кейинги вақтларда банк карталаридан фойдаланган ҳолда ўғрилик ёки фирибгарлик ҳолатларининг кўпайиши аҳолининг рақамли молиявий саводхонлиги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малакаси етарли эмаслиги, тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларида ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг замонавий тизимлари мавжуд эмаслигидан далолат бериши таъкидлаб ўтилган.

Ушбу Қарорнинг иккинчи, учинчи, олтинчи ва еттинчи бандларида соҳалар бўйича ваколатли органларга рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш, рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш, шунингдек, аҳолининг рақамли молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида, тадқиқот предметига тегишли йўналишлар бўйича кўрсатмалар берилган.

Хусусан, ушбу “Йўл харитаси”нинг тўртинчи ва бешинчи бандларида белгиланган кўрсатмалар банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларида антифрод тизимларини жорий этиш ҳамда банк карта маълумотларини хавфсизлигини кучайтиришга йўналтирилган. Шунингдек, ушбу ҳужжатда банклардаги антифрод тизимларини қўллаш, шахсни идентификация қилишда биометрик маълумотлардан фойдаланиш, масофавий банк хизматларини тақдим қилишда қурилмаларнинг идентификацияловчи параметрларини ҳисобга олиш ҳамда ушбу соҳадаги жинойтларга қарши курашнинг бошқа йўналишлари бўйича вазифалар белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, банк карталари билан боғлиқ жинойтлар бўйича бутун дунёда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам салбий тенденциялар кузатилмоқда. Банк ҳисоб рақамларидаги кибержинойтларга қарши кураш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш учун ушбу йўналишдаги нисбатан тор соҳага йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, кибермаконнинг кенгайиб бориши ҳамда унинг иштирокчилари сонининг ортиб бориши ушбу маконда жиноий фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳам шаклланишига, шунингдек ушбу шахслар жамиятидан иборат бўлган сегментнинг пайдо бўлишига шароит яратади.

Фойдаланилган манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк статистик маълумотлари. www.cbu.uz сайти материаллари.
2. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. Молия тизимини рақамли технологиялар ёрдамида трансформация қилиш: муаммолар ва ечимлар мавзусида халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами. 2023 йил 28 ноябрь.
3. www.bankers.uz сайти материаллари.
4. www.uza.uz сайти материаллари.
5. Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг расмий Telegram канали. <https://t.me/iibbuz> Telegram канали материаллари.
6. www.kun.uz сайти материаллари.